


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 7 ноябрь, № 216 (6399) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 ноябрь куни Оқсаройда Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер ҳамда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти Димитрис Цицирагосни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг натижасида умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд бўлган 28 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар электр энергетикаси, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизациялаш, сув таъминоти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда Жаҳон банкининг улуши 2,6 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик муносабатларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Унинг доирасида Жаҳон банки 300 миллион доллардан ортиқ миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит билан 4 лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлади.

Мамлакатимизда Халқаро молия корпорациясининг 135 миллион доллар миқдоридаги инвестицияси иштирокида хусусий секторни ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди.

Суҳбат давомида Жаҳон банки гуруҳи вакиллари Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш бўйича жорий йилда қабул қилинган стратегик дастурларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Бу дастурларда иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини камайтириш кўзда тутилган.

Меҳмонлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш жараёнида фаол иштирок этишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шунингдек, асосий соҳалар бўйича қабул қилинган дастурлар ва қўшма инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ҳозир Жаҳон банки 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган шериклик стратегиясини тайёрлашни якунламоқда. Унинг доирасида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган 30 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу янги лойиҳалар электр энергетикаси, нефть-газ саноати, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, коммунал инфратузилма ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Халқаро молия корпорацияси билан нефть-кимё, кимё саноати, муқобил энергия манбалари ва молия соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг устувор соҳалари юзасидан фикр алмашилди, шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

*Тошкентда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтди.*

*Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли анжуманда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари вакиллари, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Польша, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания сингари дунёнинг 33 мамлакатидан фирма ва компаниялар раҳбарлари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.*

# Ўзбекистон — ишончли инвестициявий ҳамкор

Ушбу йирик тадбир жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган ҳозирги шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати самараси, бу борада эришилган ютуқларни ўрганиш, чет эллик инвесторларга тақдим қилинаётган имтиёз ҳамда преференциялар ҳақида халқаро ҳамжамият ва хорижлик экспертларни яқиндан таништиришга бағишлангани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Маълумки, ҳар қандай давлат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши кўп жиҳатдан инвестиция сиёсатининг нақадар тўғри ва оқилона юритилишига боғлиқ. Чунки саноат тармоқларининг жадал ривожини стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг ижроси белгилаб беради. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг “Инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”, деган пурмаъно сўзларидан келиб чиқиб, истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Буни қарийб чорак асрлик мустақил тараққиётимиз даврида иқтисодиётимиз 5,5 баробардан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса жон бошига 9 марта кўпайгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон Ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Айниқса, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан юқорини ташкил этаётгани ҳақли равишда барчанинг ҳавасини келтираётир. Негаки, дунё мамлакатларининг аксариятида иқтисодий ўсиш даражаси тушиб кетган, айримларида давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги кузатилаётган мураккаб бир шароитда бундай ютуқларнинг қўлга киритилиши чиндан-да ҳайратланарлидир.

Халқаро форумнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов бундай муваффақиятларнинг замирида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган, машҳур беш тамойилга асосланган “ўзбек модели” мужассам эканлигини, пировардида бу барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланганини алоҳида таъкидлади.

Шуни айтиш жоизки, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш ва таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган ислоҳотлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳалар ўз вақтида бажарилиб, замонавий саноат тармоқларига асос солинаяпти. Бунда ички манбалардан ташқари, жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўпайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

*Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида ташкил қилинган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини якунлади.*

# Фойдали мулоқотлар, салмоқли натижалар

Таъкидлаш жоизки, салкам икки ҳафта давом этган ушбу тадбир саноатчиларнинг ўзига хос форумига айланди. Негаки, унинг қатнашчилари мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш баробарида, ўзаро тажриба алмашиб, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан кўплаб келишувларга эришдилар.

Жорий йилги тадбирда автомобилсозлик, транспорт-коммуникация, энергетика, кимё, геология, қурилиш, фармацевтика, озиқ-овқат, енгил саноат сингари иқтисодиётимиз муҳим тармоқларининг вакиллари, қолаверса, хорижий фирма ва компаниялар мутахассислари фаол қатнашгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, ярмарка давомида тегишли вазирлик ва идоралар, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш, сертификатлаш соҳаларига ихтисослаштирилган ташкилотларнинг стендлари ўрнатилиб, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, 70 дан ортиқ тақдимот маросимлари ўтказилди.

Якунда 11,5 триллион сўмликдан ортиқ ва экспорт бўйича 8 миллион АҚШ долларидан зиёд шартномалар тузилди.

IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш баробарида, иқтисодиётимизни янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

Дастлабки йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 224 та маҳаллий ҳамда 50 та хорижий саноат корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш қилган бўлса, жорий йилги ярмаркада **2000** га яқин маҳаллий ва 50 дан ортиқ мамлакатларнинг **1300** дан зиёд фирма ҳамда компаниялари вакиллари қатнашди.

# Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 21 августда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни нормалари моҳияти ва аҳамиятига бағишланган конференция бўлиб ўтди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан сиёсий партиялар фракциялари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар, шунингдек, журналистлар қатнашди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ривожланиши йўлидаги ортиқча ғов ва тўсиқларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Дастурни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун хусусий мулк ҳимоясини янги босқичга кўтарди. Бинобарин, қирқдан зиёд қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат этувчи ва бошқа давлат органлари ходимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви ва тўсқинлиги учун жавобгарликни кучайтиришда муҳим кафолатлар яратди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш — муваффақиятлар гарови

**Пойтахтимизда бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 63-мажлиси иштирокчилари ана шундай фикр билдиришди.**

*Тадбирда Ҳамдўстлик давлатлари, шунингдек, Латвия, Литва, Эстония, Финляндия, Исландия каби мамлакатларнинг темир йўл ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Кенгаш кузатувчилари сифатида эса Эрон Ислом Республикаси темир йўл маъмурияти ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаларининг халқаро конфедерацияси вакиллари қатнашди.*

**АНЖУМАН**

Уни ташкил этишдан мақсад давлатлар ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, юк ва йўловчи ташиш жараёнида узилишларга йўл қўймаслик, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда темир йўл транспорти органлари ўртасида интеграцияни ривожлантиришдан иборатдир.

Йиғилишнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда темир йўл транспорти ривожига алоҳида эътибор берилаётгани туфайли соҳанинг салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Пировардида азал-азалдан Шарқу Ғарбни бир-бирига боғловчи мустаҳкам кўприк вазифасини бажариб келган Ўзбекистон бугунги кунда ҳам халқаро ҳамжамият томонидан юксак транспорт қудратига эга давлат сифатида эътироф этилаётир. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Кенгаш аъзоси сифатида мамлакатлараро юк ва йўловчи ташишни янада жадаллаштириш, иқтисодиётимиз тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётгани ана шундан далолат беради.

Мажлисда, шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О. Раматов сўзга чиқиб, республикамиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган йирик инвестициявий лойиҳалар ижросининг самаралари, хусусан, мавжуд тармоқларнинг модернизация қилиниши натижасида соҳада салмоқли ютуқларга эришилганини қайд этди. Бу, аввало, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, замонавий темир йўлларни қуриш ҳамда мавжудларини электрлаштириш, саноат салоҳиятини янада ошириш жараёнида яққол намоён бўлмоқда.

Анжуманда Кенгашнинг изчил фаолияти туфайли ўтган йиллар мобайнида темир йўллар тармоқларининг техник бирлиги сақлаб қолинган ҳолда, иштирокчи давлатлар темир йўл ташкилотлари ўртасида тариф сиёсатини олиб бориш ва инфратузилмани ривожлантиришга эришилгани айтиб ўтилди. Темир йўл транспорти фаолиятида кузатиладиган турли масалаларни ҳал этиш учун Кенгаш қошида комиссия, ишчи ва эксперт гуруҳлари ташкил қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Ўзбекистон — ишончли инвестициявий ҳамкор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, инвестициялар ўз-ўзидан келавермайди. Одатда, у инвесторлар фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратилган, қулай ишбилармонлик муҳити мавжуд бўлган, бошқача айтганда, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган давлатларга йўналтирилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонда буларнинг барчаси муҳайё қилинган, деб айтишга асослар етарли. Чунки юртимизда "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, инвесторларнинг эмин-эркин бизнес фаолияти юритишига ҳуқуқий асос яратилган.

Иқтисодиётимизнинг бундай инвестициявий жозибадорлиги, табиийки, чет эллик сармоядорлар эътиборини янада кўпроқ тортмоқда. Биргина 2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 14 миллиард 600 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу борадаги ўсиш суръати 10,9 фоизни ташкил қилгани бунинг тасдиғидир. Шунинг 3 миллиард долларидан зиёди хорижий инвестиция ва кредитлар эканлиги, айниқса, диққатга сазовор.

— Ўзбекистон — инвестиция киритиш учун қулай мамлакат, — дейди Осиё тараққиёт банки бош директори Хуан Миранда. — Қабул қилинган Инвестиция дастурлари пухталиги, бизнес юритишнинг қулайлиги, энг муҳими, инвесторлар учун барча соҳалар очиқлиги ҳар қандай лойиҳа муваффақиятининг гаровидир. Шу маънода, республикангизда кейинги йилларда иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, замонавий саноат тармоқларига асос солинаяпти. Бунда солиқ юкининг пасайтирилаётгани ва банк тизими самарали ишлаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Осиё тараққиёт банки ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўз кредит линияларини йўналтирмоқда. Бугунги форум эса ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради, деб ўйлайман.

Чиндан ҳам, юртимизда, хусусан, банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминламоқда. Тижорат банкларининг жами капитали муттасил равишда ўсиб бораётгани, ўз навбатида, молиявий тизимнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти. Зеро, бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган талабдан уч баробар кўпдир. Бу каби муваффақиятлар эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини камайтириш учун зарур имкониятларни яратди.

Шу билан бирга, банклар томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштириш, саноат корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ҳам кўпайтирилмоқда. Пировардида "Мудис", "Стандарт энд Пурс" ва "Фитч рейтингс" каби етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизими фаолияти "Барқарор" деб баҳоланмоқда. Агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча банклари ана шундай эътирофга лойиқ кўрилгани, айниқса, қувонарлидир.

Хорижлик экспертларнинг фикрича, кейинги йилларда инвестициялар оқимининг Ўзбекистон томон оғишининг бир қанча сабаблари бор. Улар ичида, энг муҳими, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ҳудудларда иқтисодий зоналар ташкил этилаётганидир.

Дастлаб 2008 йил охирида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасига асос солинган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари ташкил этилди. Мазкур саноат ҳудудларининг барпо қилинишидан кўзланган асосий мақсад чет эл сармояларини, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш эди. Амалда ҳам шундай бўлди. Уларда фаолият кўрсатаётган чет эллик сармоядорлар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим қилингани боис ҳар йили кўплаб замонавий корхоналар ишга туширилаяпти. Бу субъектларда ишлаб чиқарилаётган қўшимча қийматга эга маҳсулотларга эса нафақат ички бозорда, балки чет элда ҳам талаб ортиб бораётир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият берилади. Шу боис жалб қилинаётган маблағлардан унумли фойдаланиб, улар, асосан, замонавий корхоналар барпо этиш, инфратузилма объектлари ва намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш каби аниқ мақсадларга йўналтирилаяпти. Мисол учун, ўтган йили ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига сарфланди.

— Ўзбекистон ёш мустақил, бироқ иқтисодий ва инвестициявий имкониятлари ниҳоятда катта давлатдир, — дейди Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер. — Юртингизда сармоялар тўғри йўналтирилаётгани туфайли барча соҳа, айниқса, саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш жабҳаси тараққий этиб бораяпти. Натижада одамларнинг турмуш шароити яхшиланиб, ҳаёт даражаси юксалмоқда.

Эътиборли жиҳати, инвестициялар фақат йирик ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадлари учунгина киритилаётгани йўқ. Гап шундаки, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, коммунал соҳа ривожи учун ҳар йили катта миқдорда инвестиция йўналтирилмоқда.

Бугунги форум мавзуси ўта долзарб бўлиб, хорижий ҳамкорлар, инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусийлаштириш жараёнлари билан яқиндан танишиш, сармоявий муносабатларни юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Шу ўринда юртимизда хорижий инвесторлар, айниқса, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар сарфлаётганлар учун максимал даражада қулай шароит яратиб бериш йўлидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш лозим. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда, албатта.

Бу ҳужжатга мувофиқ, тақдим қилинаётган имтиёзлар янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармояси иштирокида ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини замон талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келаяпти. Бунинг самараси эса саноатимизнинг етакчи тармоқларида кўзга яққол ташланмоқда. Айтайлик, автомобилсозлик саноати дунёга машҳур "General Motors", "Isuzu", "MAN" компаниялари кўмагида йил сайин тараққий этаётган бўлса, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тубдан модернизация қилингани туфайли "Claas" ва "Lemken" компаниялари иштирокида замонавий техника ҳамда жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Электротехника соҳаси равнақида эса "Samsung", "LG" каби компаниялар билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 28 апрелида имзоланган "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор, айниқса, тизимдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга биноан, 2015/2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, икки йил давомида иқтисодиётнинг реал сектори ва бошқа соҳаларида давлат иштирокини камайтириш, 1247 та корхона ва объектни хусусийлаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда хорижий инвесторларни кенгроқ жалб қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар, шунингдек, нуфузли ташкилотларнинг алоҳида эътирофини қозонган. Хусусан, яқинда Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан "Бизнесни юритиш — 2016" бўйича эълон қилинган мамлакатларнинг янги рейтингида Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида 87-ўринни эгаллади. Бу сўнгги бир йил мобайнида кузатилган ўсиш натижасидир.

Энг юқори ўсиш суръати эса "Кредитлаш тизими" бўйича қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 63 поғона кўтарилиб, 105-ўриндан 42-ўринга чиққани эътиборлидир.

Ўзбекистонда кредитлашнинг тартиб-қоидалари тадбиркор талабига мос равишда йилдан-йилга соддалаштирилаётгани, фоиз сиёсати тўғри ишлаб чиқилаётгани, қолаверса, кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш борасида қонунчиликнинг мустаҳкамлангани ҳам халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Ялпи мажлисда сўзга чиққан Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Димитрис Цицирагос, Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Соп, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан ва бошқалар Ўзбекистонда иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар, бўш турган бино ва иншоотларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан "ноль" харид қийматида ошкора савдоларда сотиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самараларига юксак баҳо берди.

Халқаро конференциянинг шуъба мажлисларида, шунингдек, ёқилғи-энергетика мажмуида истиқболли инвестициялар ва лойиҳалар, саноат тармоқларининг инвестициявий имкониятлари, ахборот-коммуникация технологиялари, халқаро сайёҳлик ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига хорижий инвестициялар киритишнинг самарали йўналишлари, хусусийлаштириш жараёни ва инвестициявий лойиҳаларга чет эл капиталини жалб этишда ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, халқаро молия институтлари, инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Халқаро инвестициявий форум доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард АҚШ долларилик 100 дан зиёд битим ва меморандумлар имзоланди.

Форумда эришилган натижалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгиланишларни янада жадаллаштириш, ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар тайёрлашни ташкил этиш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий қилиш, шунингдек, Хусусийлаштириш давлат дастурига киритилган корхоналарга стратегик чет эл инвесторларини жалб этиш ишларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши муқаррардир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



# Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аҳамиятли томони, ушбу ҳужжатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳати қамраб олинган. Жумладан, тадбирда қайд этилганидек, Қонунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилиги либераллаштирилди, шу орқали хусусий мулк ҳуқуқи кафолатлари кучайтирилди, рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш тартиб-таомиллари, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ жараёнлар янада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Айни чоғда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча шакли ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбирда тадбиркорлик ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда адлия идоралари ва хўжалик судларининг асосий вазифалари, солиқ органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни мавзуига оид маърузалар тингланди.

Йиғилишда тадбиркорлар Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги Фармони ва Қонун уларга фаолият кўламини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини бераётганини алоҳида қайд этишди. Бундай имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтишди. Ўз навбатида, иштирокчилар мазкур Қонун нормаларини аҳолига, хусусан, тадбиркорларга кенг тушунтириш, назорат органлари фаолиятида профилактика тадбирлари устуворлигига эришиш, бизнес субъектларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, бунинг учун эса жойларда тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этиш ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Таъкидланганидек, буларнинг барчаси ишбилармонлар фаолиятида учрайдиган муаммоли масалаларни мунтазам ўрганиб бориш ҳамда Қонун ижросини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Якунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш — муваффақиятлар гарови

**Пойтахтимизда бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 63-мажлиси иштирокчилари ана шундай фикр билдиришди.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Йил бошидан буён Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг пўлат излари орқали 1,4 миллиард тонна юк ташилди, 14,8 миллион кишига хизмат кўрсатилди, — деди МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси О. Белозеров. — Навбатдаги йиғилишимиздан асосий мақсад шуки, бу кўрсаткичларни янада яхшилашдир. Тўғри, ҳозирги кунда бутун дунёда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз темир йўл транспорти соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Аммо, ўйлайманки, ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб борсак, кутилган натижаларга эришамиз. Нега деганда, ўтган давр мобайнида Кенгаш томонидан йўловчи ва юк ташишнинг халқаро меъёрлари, ҳаракатдаги таркиб эксплуатацияси ҳамда техник воситаларни сақлаш юзасидан Кенгаш таркибидаги органлар томонидан 250 дан ортиқ келишув, қоидалар ва йўриқномалар ишлаб чиқилиб, улар амалиётга муваффақиятли жорий этилмоқда.

Кенгаш кун тартибига кўра, иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, барча йўналишда вагон ва контейнер паркларидан фойдаланишнинг самарадорлигини янада ошириш, ҳаракатдаги таркибнинг хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспортининг техник ҳужжатларини тайёрлашда халқаро талабларни жорий этиш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Бундан ташқари, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасида ягона тариф сиёсатини амалга ошириш ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Якунда томонлар иштирокида МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 63-мажлиси қўшма Баённомаси имзоланди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган брифингда эса меҳмонлар Ўзбекистонда Марказий Осиёда илк маротаба юқори тезликда юрувчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилгани, 1200 км. узунликда янги темир излар ётқизилгани, 1100 км. масофадаги темир йўллар электрлаштирилганига юқори баҳо бериб, айниқса, "Афросиёб" электропоездининг ҳаракати Қарши шаҳрига қадар етказилгани, бугунги кунда "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўли жадал қурилаётгани ва "Самарқанд — Бухоро" темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари изчил олиб борилаётгани катта қизиқиш уйғотганини маълум қилдилар. Шу билан бирга, томонлар йиғилиш давомида кўрилган масалалар ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришига катта ишонч билдиришди.

**Д. ЖУМАБОЕВ**

## СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Кристофер Дэвид МИЛЛЕР,**
**Халқаро молия корпорациясининг Марказий Осиёда савдо-сотиқ ва рақобатбардошликни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлари бошлиғи:**

— Инвестициявий форумни ўтказиш манзили сифатида айнан Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Сабаби, бу ерда бизнес юритиш учун барча шароит мавжуд. Яқинда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан "Бизнесни юритиш — 2016" бўйича эълон қилинган янги рейтингда мамлакатингиз 189 давлат орасида 87-ўринни эгаллагани, шу билан бирга, "Кредитлаш тизими" бўйича 105-ўриндан 42-ўринга кўтарилгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. Бу, албатта, юртингизда иқтисодий ислоҳотлар изчил ва оқилона олиб борилаётгани самарасидир. Унда турли давлатлар мутахассис ҳамда экспертлари қатнашганининг боиси ана шунда.

Тадбирда "Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришда Жаҳон банки гуруҳининг кўмаги" мавзуида маъруза қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу форумни юксак савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдираман.

**Вадим РОЗИНОВ,**
**"Siemens" компанияси менежери (Германия):**

— Кенг қамровли мазкур Халқаро инвестициявий форумда иштирок этганимдан жуда хурсандман. Анжуман асносида шунга амин бўлдимки, юртингиз эшиклари нафақат меҳмонлар, балки хорижий ҳамкор ва инвесторлар учун ҳам доимо очиқ экан.

Бизнинг компаниямиз мамлакатингиздаги 20 йиллик фаолияти давомида кўплаб сармоявий лойиҳалар ижросида қатнашиб келмоқда. Бу галги нуфузли тадбир эса янги ҳамкорлар топиш, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга. Форум доирасида машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, коммуникация асбоб-ускуналари ва қурилиш саноатининг инвестиция имкониятларига бағишланган шуъба йиғилишида қатнашиб, ана шундай хулосага келдим.

Фурсатдан фойдаланиб, яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бой тарихга эга юртингиз, бунёдкор халқингизга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, бетакрор тарихий обидаларингиз, моҳир ҳунармандларингизнинг миллий либос ва буюмлари ҳайратимга ҳайрат қўшди. Ичанқалъада эса ўзимни худди очиқ осмон остидаги музейда юргандек ҳис қилдим. Шундай бетакрор ва фусункор мамлакатда яшайдиган аҳоли, албатта, бахтли бўлади-да.

**Донг Жун ЧАЭ,**
**"DY Panel" компанияси вакили (Жанубий Корея):**

— Аввало, мана шундай нуфузли форумга таклиф этишгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан жуда миннатдорман. Нега деганда, бу каби йирик тадбирлар ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш учун муҳим фурсатдир. Шу боис ҳар бир тақдимотда фаол қатнашиб, маърузаларни катта қизиқиш билан тингладик. Уларда бугун дунёда содир бўлаётган мураккаб иқтисодий тенденциялар, сармоявий муҳитнинг реал ҳолати чуқур таҳлил этилди. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг беқиёс инвестициявий салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Айниқса, форум мобайнида республикангизда сармоя киритиш учун барча шарт-шароит яратилганига гувоҳ бўлдим. Давлат мулкини ишбилармонларга қулай шартларда сотиш, иқтисодиётнинг корпоратив бошқарув тизимини изчил такомиллаштириш, сармоядорларга енгилликлар бериш қайси инвесторга маъқул бўлмайди, дейсиз?!

**Диего Суарес ЛИЦЕРАС,**
**"Vin dore 24K" компанияси президенти (Испания):**

— Ўзбекистонда олиб борилаётган тўғри ва оқилона инвестиция сиёсатининг натижаси ўлароқ, кейинги йилларда кўплаб йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилаяпти, замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ҳалиҳануз бартараф этилмаган ҳозирги шароитда бундай муваффақиятларга эришиш диққатга сазовордир. Шунга ишонч ҳосил қилдимки, хорижлик инвесторларга аниқ қонунчилик ҳужжатлари асосида кўплаб преференциялар берилгани кўп жиҳатдан ана шу ютуқларнинг омили бўлаяпти. Шунинг учун бизнинг мақсадимиз ҳам мамлакатингиз билан сармоя соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан иборат.

Яна бир муҳим жиҳат: биз бориб кўрган корхоналарнинг технологик инфратузилмаси замон талабларига мос. Айниқса, мазкур ишлаб чиқариш субъектларида, асосан, ёш мутахассислар ишлаётгани, улар илғор ускуналарни моҳирона бошқараётгани менда алоҳида ҳавас уйғотди. Чунки ҳар бири оиласи бюджетига ҳисса қўшиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллаяпти. Хабарингиз бор, бугунги кунда Европада ёшлар ўртасида ишсизлик энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда эса навқирон авлоднинг келажаги учун барча шароит муҳайё этилгани эътиборга лойиқдир.

**Янг ЧУАНЖИН,**
**"Эксимбанк" гуруҳ раҳбари (Хитой):**

— Ўзбекистон ва Хитой давлатлари раҳбарларининг алоҳида эътибори ҳамда ташаббуси асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳада, хусусан, иқтисодий-сармоявий соҳаларда изчил ривожланиб бораяпти. Бинобарин, Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири саналади. Сўнгги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бораётгани, юртингизда Хитой сармояси иштирокида очилган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритаётгани бунинг тасдиғидир. Мазкур жараёнда бизнинг молия муассасамиз ҳам муносиб иштирок этмоқда. Жумладан, 2005 — 2014 йиллар давомида банкимиз томонидан умумий қиймати 1,15 миллиард АҚШ долларилик 32 лойиҳани молиялаштириш бўйича ҳужжатлар тасдиқланди. Улар нефть ва газ, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, мелиорация техникасини етказиб бериш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ижтимоий соҳаларга тааллуқлидир.

Форум ишига тўхталсак, Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти билан яқиндан танишиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, янги шериклар топиш имкониятига эга бўлдик. Бу кўплаб келишувларга эришишимизга хизмат қилади.

**Дипак НАРАЯН,**
**"Innocepta Services d'Consultante" компанияси директори (Ҳиндистон):**

— Форум кун тартибидаги ҳар бир тадбирни катта қизиқиш билан кузатиб бордим. Шу асосда мамлакатингизнинг улкан инвестициявий имкониятлари ҳақида бой таассуротга эга бўлдим. Сармоядорлар учун нима керак? Энг аввало, муайян ҳудуддаги барқарор тинчлик, фаровонлик, иқтисодий тараққиётнинг юқори кўрсаткичлари, имтиёзлар ва ишончли кафолат. Ўзбекистонда буларнинг барчаси мавжуд. Шунинг учун бу ерда бизнес юритиш кутилган самарани бериши, шубҳасиз. Буларни инобатга олган ҳолда, мамлакатингиздаги тўқимачилик маҳсулотлари, гилам, пластмасса, поливинилхлорид ишлаб чиқарувчи корхоналар билан экспортни йўлга қўйиш, қолаверса, юртингизда тўқимачилик фабрикаси очиш лойиҳасини амалга оширишга қарор қилдик.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**
**ёзиб олди.**

# Инсон қадри улуғ

*Ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш, уларнинг хизматига камарбаста бўлиш — халқимизга хос фазилат. Бу эзгу анъана, айниқса, истиқлол йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди.*

## 2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Жумладан, жорий йилга мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб ном берилиши ва шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат ижроси доирасида жойларда қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Натижада пиру бадавлат нуронийларимизнинг саломатлигини тиклаш, уй-жой шароитини яхшилаш ва шу орқали уларнинг умрини узайтиришга эришилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли "Жиззах" санаторийсининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Муассасамиз 2003 йилда ташкил этилган, — дейди санаторий бош врачи Зокир Эшмуродов. — 2012 йилда республика инвестицион дастури доирасида 1 миллиард 800 миллион сўм эвазига бунёд этилган қўшимча бинога эга бўлгач, моддий-техника базамиз янада мустаҳкамланди. Натижада бир вақтнинг ўзида 100 нафар фахрий ва ногиронни қабул қилиб, уларга юқори даражадаги тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлдик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда "Жиззах" санаторийси мўътабар отахону онахонларимизнинг энг севимли масканларидан бирига айланди. Шу боис бу ерга йил давомида юртимизнинг турли ҳудудларидан кўплаб нуронийлар ташриф буюради.

— Санаторий мутахассисларига раҳмат, — дейди Фориш туманилик 91 ёшли отахон Убайдулло Эгамов. — Уларнинг ширин сўзи, меҳрибонлиги туфайли ҳар гал шу ерда даволаниб чиққанимдан кейин ўзимни анча тетик ҳис этаман. Бизга бепул йўлланма бериб, шундай кўркам сиҳатгоҳда дам олиб, соғлиғимизни мустаҳкамлашга шарт-шароит яратиб берганлардан миннатдормиз. Бу ерда барча қулайлик бор. Масалан, зарурат туғилса, хонадан чиқиб ҳамшира ёки шифокорни қидиришга ҳожат йўқ, шундоқ ёнингиздаги тугмачани боссангиз, уларнинг ўзлари етиб келишади. Инсон қадри улуғланган юртда яшаётганимиздан бахтлимиз.

— Ҳаётнинг пасту баландини кўрган инсон сифатида бугунги дориламон кунларга шукроналар қиламиз, — дейди Жиззах туманилик меҳнат фахрийси Эркин Солиев. — Илгарилари одамлар санаторий тугул, ҳатто, бундайроқ дўхтирга ҳам етолмаган. Чунки бунга эътибор ҳам, имконият ҳам бўлмаган. Бугун эса шифокорлар уйимизга келиб, саломатлигимиз билан қизиқишади. Давлатимиз ҳар йили сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар беради. Албатта, буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик-осойишталик ҳамда ёши улуғ инсонларга бўлган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Айтиш жоизки, Кексаларни эъзозлаш йилининг ўтган тўққиз ойида "Жиззах" санаторийсида 462 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг саломатлиги мустаҳкамланди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «Universal Realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, Марказ-4, 11-«Б» уйда жойлашган, 9 қаватли, ертўлали, кўп тармоқли бинонинг 1-2-қаватлари ва 2 қаватли ертўла қисми такроран қўйилмоқда. Ер майдони — 3176 кв.м., бинонинг умумий майдони — 10681 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 17 210 561 247 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

**2.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, асосий биноларининг сони 20 та бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда. Ер майдони — 41055,95 кв.м., қурилиш майдони — 9773 кв.м., фойдаланиш майдони — 10989,83 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 4 202 142 877 сўм.***

Шунингдек, юқоридаги бино-иншоотларда жойлашган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда:

* Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан 2 (RBD) 8 мм.дан 1 мм.гача.

***Бошланғич баҳоси — 538 769 976 сўм.***

* Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан 1 (Rolling mashine) 16 мм.дан 18 мм.гача.

***Бошланғич баҳоси — 1 171 610 899 сўм.***

* Экструдер (Extrudion va-chine) QLVG-650 № 0110/1500N/ 1-8 мм.

***Бошланғич баҳоси — 448 974 980 сўм.***

* Индукцион типдаги мис эритувчи «Upward Custing» печи.

***Бошланғич баҳоси — 889 398 055 сўм.***

* «Zwich ROeliZ020 resistomat 2316 Burster тип 2316 V0001» электр ускунаси.

***Бошланғич баҳоси — 116 733 495 сўм.***

* «Disel Generator AKSA model APD 550C» дизель генератори.

***Бошланғич баҳоси — 126 655 414 сўм.***

Изоҳ: кўчмас мулк объекти ва мол-мулклар мажмуа сифатида сотилади.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**«Universal realtor» МЧЖ, 100047,**
**Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

1669R/609

Хизматлар лицензияланган.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

2015 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун жиҳозлар харид қилиш ҳамда таълим муассасаларига ўрнатиб бериш мақсадида ўтказилаётган тендер савдоларининг натижаларига кўра, тендер комиссияси томонидан 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16 ва 17-лотлар бўйича ғолиб, деб топилган корхоналар рўйхатини эълон қилади:

1. «White Production» ХК
2. «Aysel sanoat savdo» МЧЖ
3. «Namangan torg servis» МЧЖ
4. «Perfect profiles» МЧЖ
5. «Private perfect project» МЧЖ
6. «Oftob nuri plyus» МЧЖ
7. «Макс бизнес» МЧЖ
8. «Prime industries group» МЧЖ
9. «Uzross-techno» МЧЖ
10. «Mega best standart» МЧЖ
11. «Atlant mebel» МЧЖ

1661A/783


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Шайхонтоҳур филиалининг 2015 йил 3 ноябрдаги 2167-сонли буюртманомаси ва Акциядорлик тижорат Халқ банкининг 2014 йил 11 декабрдаги 131/1-сонли бошқарув қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 6-«А» уйда жойлашган, ер майдони 910 кв.м. бўлган, 9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 513 219 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 24 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 20 ноябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 24 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 10, 25 декабрь ва 2016 йил 11, 26 январь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 10 декабрдаги савдо учун — 7 декабрь, 25 декабрдаги савдо учун — 23 декабрь, 2016 йил 11 январдаги савдо учун — 8 январь, 26 январдаги савдо учун — 22 январь кунлари соат 18.00.

Савдода қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz**
**Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

1654R/02

Лицензия: RR-0001.



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Хоразм вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Янгиариқ тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2015 йил 7 сентябрдаги 22-1505/6729-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Yoqut plast servis» хусусий корхонасига қарашли, Янгиариқ тумани, Янгиариқ шаҳарчаси, Навоий кўчасида жойлашган, ер майдони 3686,00 кв.м., қурилиш ости майдони 1057,58 кв м.дан иборат бўлган тўйхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 510 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг Хоразм вилояти АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

**Мурожаат учун манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.**
**Маълумот учун телефон: (0-362) 228-10-86.**
**Факс: (0-362) 228-10-86.**
**Электрон почта: horazm@inbox.uz**
**Интернетдаги веб-сайт: www.1kms.uz**

1665R/2

Лицензия: RR-0001.



## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2015 йил 24 ноябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақасига ҳамда 2012 йил 4 декабрдаги 12489-сонли ижро ишига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимён» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 881,0 кв.м., қурилиш ости майдони 295,5 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 406 208 395 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 14 майдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорбоғ» ҚФЙ, «Чорбоғ гўзал боғи» БУШда жойлашган, фойдаланиш майдони 280,80 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 1 271 086 093 сўм.***

**3.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янгиовул» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган қўй қўраси бино-иншооти.

***Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 24 ноябрдаги 11-1134/15152-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 442,8 кв.м.дан иборат бўлган ҳаммом биноси.

***Бошланғич баҳоси — 150 602 300 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул килинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InFinBank»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Диққат!**

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 26 октябрдаги 206-сонида берилган эълондаги савдо санаси «2015 йил, 10 ноябрь» ўрнига «2015 йил, 13 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади», деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz**

**Хизматлар лицензияланган.**

1648A/465



Qishloq Qurilish Bank

## АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

**ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи терминаллар (инфокиоск) сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилади.**

***Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.***

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**100011, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 18-«А» уй.**
**Телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-76-48.**
**plcard@qqb.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1659A/632



**Барча турдаги юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун ШИНАЛАР**



Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

1585R/740

**Тел.: (+99895) 170-32-52. Факс: (+99871) 250-07-40.**



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2015 йил 23 июндаги 23-1502/5654-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Нажмиддин Кубро кўчаси, «Жаҳонгир» АЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,7 гектар, фойдаланиш майдони 1131,8 кв.м.дан иборат бўлган 23 хонали тузни қайта ишлаш цехи биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 622 125 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 24 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 20 ноябрь куни соат 18.00. Мазкур бино 2015 йил 24 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 9 декабрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2015 йил 9 декабрь куни ўтказиладиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 4 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

1650R/02

Лицензия: RR-0001.



Фаолият кўрсатаётган

**ҒИШТ ЗАВОДИ сотилади.**

Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани. Завод газ ва кўмир ёқилғиси ёрдамида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Унинг ҳудудида кўмир сақлайдиган омбор, турли хоналар, трансформатор, қудуқ (скважина) мавжуд.

Шунингдек, корхона тасарруфида бульдозер, юкорттич (погрузчик) ҳам бор.

Завод видеокузатув тизимига эга. Умумий майдони — 15 гектар.

**Тел.: (+99897) 705-98-00, (+99893) 388-88-40.**

873A/32



«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

03

# Санъат камолотга етаклайди

*Театр санъати азалдан кишилар маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Бинобарин, спектакллар мухлисларга эстетик завқ берибгина қолмай, уларни эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашга хизмат қилади. Пойтахтимизда театр санъати масалаларига бағишлаб ўтказилган ижодий форумда ҳам унинг вазифалари, инсон камолоти, тарбиясидаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.*

**ТЕАТР**

Мазкур форум Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда юртимиз ва Буюк британиялик режиссёрлар, санъатшунос олимлар, драматурглар, ижрочилар ҳамда ёшлар қатнашди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий театр санъати равнақига катта эътибор қаратилаяпти. Жумладан, ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилиб, маънавият масканларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётир. Айниқса, ўтган йили Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги республика миқёсида кенг нишонлангани ҳам санъат ривожи йўлидаги юксак ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор театр ижодкорлари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Шу маънода, кейинги йилларда айнан Ўзбек Миллий академик драма театрида бир қатор спектакллар саҳналаштирилдики, улар халқимиз орзу-умидлари, ижтимоий, маданий ҳаётини ўзида акс эттира олгани билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, жаҳонга машҳур “Гамлет” ва “Ёз туни ғаройиботлари” пьесалари, шунингдек, бошқа қатор дунё драматургияси намуналари саҳнага олиб чиқилиши ижодкорларнинг улкан ютуқларидан саналади.

Форумда бугунги глобаллашув жараёнида театр санъати олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

— Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим, — дейди Шотландия театр федерацияси директори Жон Морган. — Тошкент жуда ҳам гўзал ва мафтункор шаҳар экан. Мамлакатингиз театр санъатининг ўрганадиган жиҳатлари кўп. Албатта, бундай ижодий учрашувлар халқларимиз ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Форум доирасида Ўзбек Миллий академик драма театрида Буюк Британиянинг Уильям Шекспир номидаги “Глобус” театри жамоаси ижросидаги “Гамлет” спектакли намойиш этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари билан ижодий учрашув ҳамда маҳорат сабоқлари ўтказилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт

*Грецияда шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Шамсиддин Воҳидов ғолибликка эришди.*

## Навқирон шахматчимиз — чемпион



У 14 ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашиб, 150 нафар иштирокчидан ҳар томонлама устун эканлигини исботлади. Шамсиддиннинг ўн бир партиядан иборат мусобақада бирор марта ҳам мағлубиятга учрамагани бунинг тасдиғидир. Жумладан, умидли шахматчимиз грузиялик Лука Оболадзе, германиялик Тео Гунгл, АҚШ вакиллари Маркус Миясака, Николас Чека, ҳиндистонлик Ҳаршит Ража, россиялик Сергей Лобанов ва Тимур Фархутдиновни мағлубиятга учратди. Қолган тўрт партияда эса durангга имзо чекди. Шу тариқа Шамсиддин 9 очко жамғариб, олтин медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионатида, шунингдек, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган шахматчиларимиздан Нодирбек Абдусатторов ўз ёш тоифасида тўртинчи, Исломбек Синдоров бешинчи, Нодирабегим Парпиева олтинчи, Жавоҳир Синдоров саккизинчи ўринни эгаллади.

## Ҳамюртларимиз Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритди

*Хабарингиз бор, келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.*

Айни кунларда дунёнинг қатор давлатларида ана шу нуфузли мусобақага йўлланмалар берувчи халқаро турнирлар ташкил этилаяпти. Энг муҳими, уларда вакилларимиз муваффақиятли қатнашиб, спорт ихлосмандларига қувонч улашишмоқда.

Хусусан, Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган Гран-при мусобақасида ҳамюртимиз Раънохон Омонова Олимпиада ўйинлари лицензиясини қўлга киритди. У 200 метр масофага комплекс усулда сузишда 2 дақиқаю 13,08 сония натижа қайд этиб, ана шундай имкониятга эга бўлди.

Яна бир хушхабарни Индонезиядан олдик. Бу ерда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этиб, XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаларига сазовор бўлишди.

Мусобақанинг дастлабки кунлари вакилларимиздан Алексей Мочалов 1000 метрга байдаркада эшкак эшишда барча рақибини ортда қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди. Мазкур масофада каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган пойгада Герасим Кочнев биринчи ўринни қўлга киритди. 1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича жуфтликлар ўртасида эса Вадим Меньков ва Серик Мирбеков ғолибликка эришди.

*Пойтахтимизда ёшлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.*

## Ёш полвонлар мусобақаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Спорт курашлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган беллашувда 180 нафардан ортиқ истеъдод эгаси ўз имкониятини синаб кўрди. Якунда улар орасидан Илҳом Баҳромов, Жавоҳир Мираҳмедов, Умид Ғаниев, Мирзобек Раҳматов, Абубакр Алимов, Жалгас Бердимуратов, Ҳожиакбар Шаҳобиддинов, Аббос Иброҳимов каби ёшлар ўз вазн тоифасида ғолибликка эришди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**КЎРГАЗМА**

*Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида “Олтин куз” деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда.*

# «Олтин куз» манзаралари

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган мазкур тадбирда қорақалпоғистонлик мусаввирларнинг 60 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Ижодкорлар талқинидаги куз манзаралари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотаяпти.

Кўргазма экспонатидан Ж. Изентаев, Б. Серекеев, Ж. Лепесов, А. Ражапов, С. Бойбўсинов, В. Жапаров, Б. Айтмуратов сингари таниқли рассомлар билан бир қаторда, М. Қозоқбоев, С. Бекбаулиев, Р. Боймуратов ва Ж. Айбатов каби ёш истеъдодларнинг асарлари ҳам жой олган.

Шунингдек, Д. Тажимуратовнинг “Тўлқиндаги кема”, “Келинчак”, “Кампир ва чол”, “Отлар” сингари ҳайкалтарошлик йўналишидаги сопол композициялари ҳам намойиш этилмоқда.

**Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.**

# Тасвир ва талқин

*Навоий шаҳридаги “Санъат галереяси”да Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда “Камолот” ЁИҲ вилоят Кенгаши ҳамкорлигида “Биз сенинг фарзандларингмиз — Ўзбекистон” номли бадиий кўргазма ташкил қилинди.*

Тадбир ўтган йили “Камалак юлдузлари” болалар фестивалининг республика босқичида ғолиб бўлган Рухсора Раимова ижодига бағишланди.

Ёш рассом миниатюранинг янги кўринишини ўзига хос услубларда яратмоқда. Унинг ижодидан халқимизнинг миллий ўйинлари, урф-одатлари, эртак қаҳрамонлари тасвирлари ўрин олган. Айниқса, Рухсора чизган “Семурғ”, “Кўза кўтарган бола”, “Суҳбат”, “Карвон” каби асарлар кўргазма иштирокчиларида улкан таассурот қолдирди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Энг намунали маданият ва истироҳат боғлари

*Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ташкил этилган “Намунали маданият ва истироҳат боғи” республика кўрик-танлови якунланди.*

**ТАНЛОВ**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш, маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишда маданият ва истироҳат боғлари алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда юртимизда 154 та ана шундай маскан фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 83 таси янгидан ташкил этилди, капитал реконструкция қилинди ҳамда таъмирланди.

Маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини ривожлантириш, энг намуналиларини рағбатлантириш ҳамда иш тажрибасини оммалаштиришга қаратилган ушбу танлов икки босқичда ташкил этилди. Унинг биринчиси жорий йилнинг июль — август ойларида ўтказилган эди. Якуний босқич эса Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани Жалолиддин Мангуберди номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидаги, пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги, шунингдек, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги маданият ва истироҳат боғлари ҳам энг намунали, деб эътироф этилди.

— Бизнинг маскан 126 гектар майдонни эгаллаган. Шундан 21 гектарида сунъий кўл барпо қилинган, 17 гектар ерда эса турли аттракционлар ўрнатилган, — дейди Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Мансур Ҳамидов. — Олти гектарида аквапарк мавжуд. Шунингдек, боғ таркибидаги “Санъат галереяси” ҳамда амфитеатрда аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай танловлар фаолиятимизни замон талаблари даражасида такомиллаштириб бориш, аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш йўлида изланишга ундайди.

**Аброр МЕЛИБОЕВ.**

ЭЪЛОНЛАР


Ўзбекистон врачлар ассоциацияси

мамлакатимизнинг барча шифокорларини юртимизда тантанали нишонланаётган касб байрами —

Тиббиёт ходимлари куни

билан самимий муборакбод этади ва уларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдек машаққатли ва шарафли ишларида омад тилайди.

1642А/776


# Асоратсиз даво

*Глаукома ташхиси билан Сирдарё вилояти кўз касалликлари шифохонасига мурожаат қилувчилар эндиликда амбулатор шароитда ўн дақиқа ичида шифо топадиган бўлди.*

**САЛОМАТЛИК**

Гап шундаки, яқинда хориждан замонавий “IYAG Lazer Lumines” аппарати келтирилиши туфайли мазкур хасталик ҳамда катарактанинг айрим турларини даволашда тиғсиз жарроҳлик усулини қўллаш имконияти яратилди. Муҳими, лазер нури воситасида бажариладиган амалиётдан сўнг кўзда ҳеч қандай асорат қолмайди ва беморнинг глаукомадан бутунлай фориғ бўлиши кафолатланади.

— Айни чоғда илғор диагностика ҳамда ташхис ускуналарига ҳам эга бўлдик, — дейди бош шифокор Расул Каримов. — Яъни кўз олмасида учрайдиган барча касалликни аниқлашга ёрдам берадиган компьютерлаштирилган ультратовуш тизими ва кўриш органини текширишда фойдаланиладиган фотобиомикроскоп сотиб олдик.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., туражой майдони 126,12 кв.м. бўлган, 7 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 226 457 682 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1660R/6

Хизматлар лицензияланган.



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 20 августдаги 10-1518/10156-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Турсунбой Мансур» МЧЖга тегишли, Кармана тумани, Маликработ қўрғони, Истиқлол кўчасида жойлашган, ер майдони 10000,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1501,95 кв.м., умумий майдони 628,92 кв.м. бўлган 81 хонали меҳмонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (0-436) 224-44-01, 224-15-61. www.1kms.uz**

1657R/2

Лицензия: RR-0001.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5